

*ДХК □ архивида 554335-сон раками ила хатланган ва олтмиш уч □ йил*дан бери етти кулф остида сакланаётган «ИШ»га бугунги кун кўзкарашлари.*

Бисмиллахир рохманир рохийм. Улуг Тангрига шукрки, шундай замонларга етказиб, огзимиздаги кулфларнинг очилишига, тилимиздаги тушовларнинг ечилишига, кўзимиздаги пардаларнинг сурилишига, кўлимиздаги кишанларнинг узилишига эриштирди, эс-хушимизни йигиб олишимизга имкон берди, мазлум кўксимизни кўтаришимизга, хиёл бўлса-да эркинрок нафас олишимизга бизларни муяссар айлади. Хам илкимизга калам тутказиб, ушбуни ёзишга юрагимизни мойил килди.

Буюк турк ўглони Исмоил Гаспиралининг шогирди ва собит издоши, негадир узокрок ухлаб колган Туркистон бобони асрий уйкудан уйготишга, занжирбанд шерни занжирдан халос этишга катъий бел боглаб чиккан жадидлардан бири ва ўнгдори, эллик бир ёшли Мунаввархон Кори Абдурашидхон ўгли 1929 йил нўябирининг 5-куни махфий сиёсий политсайчилар томонидан хибсга олиниб, терговга тортилади. Чор Ўрусиясида Уктабир тўнтариши рўй бериб, подшо хукумати ўрнига кизиллар хукумати келганининг ўн иккинчи йилида — болшавойлар давлати бепоён мамлакатнинг ич-ичларигача хийла томир отиб, ўзини ўнглаб, анча-мунча куч йигиб олган шу болшавойчилик негизида пайдо бўлган ИИХК (Ички Ишлар Халк Кўмиссарлиги) идораси гайрат билан ишга тушган, янги давлатнингда (худди эски давлатдек) юргиза бошлаган империячилик сиёсатида «жиддий хавф» соладиган аклли-зиёли кишиларни битталаб ё тўдалаб териб ола бошлаган эди.

Туркистонда жадидлар иши юзасидан Мунаввар Кори билан биргаликда бирданига ўттиз етти ватанпарвар сўрокка тортилади. Буларнинг кетидан тагин кирк бир киши бор-йўги халкининг, миллатининг, динининг такдирига кайгургани учун тергов бера бошлайди. Уларнинг орасида соткинлари хам, лакмалари хам, иккала томонга хизмат килганлари хам бўлган, аммо, шукрки, иймонлилари, мардлари кўп эди. Жами етмиш саккиз (78) кишининг турфа ранг хаёт мазмунлари жами ўн саккиз (18) жилддан иборат хар бири гўладай семиз-семиз тўпламлар катига кўмилади, жилд устларига «МУНАВВАР КОРИ ВА БОШКАЛАР» деб ёзилади ва «Мутлако махфий» дея тамгаланади-да... тарих саҳифаларидан юлиб ташланади. Туркистон бобо тагин гафлат уйкусида колаверади.

Жадидларнинг тугилганини, уларнинг ниятларини ўз вақтида Чор хукумати хам пайкаган. Кул Туркистонда диний ва миллий уйғониш содир бўлаётганидан, истилочиларнинг сиёсий найрангларига фахм-фаросати етадиган ва, сал кўйиб берилса, бу «кора халк»ни озодлик курашига кўтаришга ва бу курашни мохирлик билан бошқаришга курби етадиган маърифатли ва миллатпарвар бутун бир авлод

шаклланаётганидан тахликага ҳам тушган. Аммо бу ўртада Биринчи жахон уруши бошланиб кетиб, истилочи Чор ҳукумати жахон майдонида ташланган катта суяк билан овора бўлиб колдию чеккалардаги миллийчилар билан жиддий шугулланишга имкон тополмади. Шунда ҳам махфий идоралари, мустамлака сиёсатининг бу ўлкага юборилган мафкурачилари уларни хамиша кўз остларида саклаб турар, ҳам маънавиян, ҳам жисмонан эзиб ташлашнинг кулай мавридидини пойлар эди.

Мана шу вазиятда Ўрусияда хокимият тўнтириши юз берди ва бу ходиса тарихга Ўктабир тўнтариши номи билан кирди. Шундай килиб, ижтимоий ахвол иккинчи марта халакит килди ва Чор мустамлакачиларининг ниятлари яна амалга ошмай колди. Лекин бу дегани — шум ният ўлди, миллийчилар таъкибдан кутулишди, дегани эмас эди. Чунки энди уларнинг изига болшавойлар давлати тушади. Тўнтариш оқибатида шакл ўзгарган, аммо мустамлака ўлкаларга муносабат зимдан ўша илгаригидай колган эди. Модомики империячилик сиёсати сакланиб колган экан, Ок подшога хавф солган миллий маърифатчилар Кизил кўмиссарни тахликага солмайдими? Маърифатсизлик устига курилган давлат, маърифатсизликни шир килиб, байрок килиб кўтарган давлат маърифатчилардан кўркишда эски ҳукуматдан-да ўтиб тушди. Факат бу янги давлат дастлаб — бутун мамлакатда ўз хокимиятини мустахам ўрнатиб олгунча, ўзининг кучига ишонч хосил килгунча «икки кадам оркага» чекиниб туришга мажбур бўлган, яъни, хозирча чет ўлкалар тинч турсин, деган максатда «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш»ига ваъдалар бериб, алдаб турган эди. Нихоят, биродаркушлик урушида вахшийларча галабага эришиб, янгича бошқарув тузилмасини (структурасини) жорий этиб бўлгач, Ок подшодан мерос колган шум ният эсига тушади ва йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида пистирмадан чикиб, энди икки кадам олга ташлайди-да, ўша ниятни енг шимариб амалга оширишга киришади. Жадидаларни 1922, 1924 йиллари бир-икки безовта килишлар ўзига хос айгок, кучни чамалаб кўриш эди, 1929 йилга келиб ростмана киргинга ўтилади. «Мунаввар Кори ва бошқалар» иши мана шу тарз юзага келади.

Хўш, Мунаввар Кори ва бошқалар ўзи кимлар эди? Уларнинг максатлари нима бўлган? Ок ҳукуматни-да, Кизил ҳукуматни-да бирдай чўчитадиган нима иш килганлар? «...айгокчилик хабарномаларидан бу юкорида исмлари зикр этилган фукаралар Совет хокимиятини ағдариб ташлашга каратилган фаолият кўреатаётганликлари, яъни, Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуаси 58-модданинг 10-кисмида ва 66-модданинг 1-кисмида таърифланган жиноятни содир этганликлари маълум бўлади. Шуни эътиборга олиб, Бутуниттифок Марказий Ижроия Кўмитасининг 1922 йил 16 ўктабирида чиқарган конунга мувофик ҳамда Бош Сиёсий Бошқарманинг (ГПУнинг) 1922 йил 287-сон ва 1923 йил 362/29-сон буйруқларига мувофик...» Мунаввар Кори бошлик ўттиз саккиз киши устидан дастлабки терговларни бошлашга фатво берилади. Бу расмий фатво хужжатино Бош Сиёсий Бошқарма Ўрта Осиё бўлими Шарк бўлинмасининг Катта вакили (катта ваколатли деб ўкилса ҳам бўлади) Агидуллин тайёрлаган, бўлинма бошлиги Круповский «Розиман» деб имзо чеккан, БСБ Ўрта Осиё

бўлимнинг бошлиги Белский «Тасдиклайман» деб кизил каламда кўл кўйган.

Мазкур хужжатдан биламизки, Мунаввар Кори ва бошқалар «Совет хокимиятини ағдариб ташлашга қаратилган фаолият кўрсатганлар» экан. Бу фаолият нималарда кўринади?

Бу саволга жавоб бермок учун бизнинг ихтиёримизда икки йўл бор. Бири — тарихдан билган маълумотларимиз ва 18 жилдлик хужжатларга суюниб ўзимизнинг мулохазаларимизни билдириш. Иккинчиси — бевосита хужжатларнинг ўзига мурожаат этиш. Хар икки йўл хам ўзича самаралидир. Хар икки йўл уйгунлаштириб юборилса, ундан хам аъло. Биз мазкур маколада иккинчи йўлни тутишга қарор қилдик. Бирок хужжат деяётганимизнинг ўзи сонмингта. Терговнинг «илтимоси»га биноан ёзилган Мунаввар Корининг бутун бошли хотираномасини келтирайликми, бошқа иштирокчиларнинг кўргазмаларини келтирайликми? Биз яна иккинчи йўлни танладик. Танлаганда хам ўша ўттиз саккиз кишининг ичидан чиккан бир соткиннинг битикларини эълон қилишни лозим кўрдик. Бизнингча, унинг чакув кўргазмалари шунинг учун хам қимматлики, аввало, у — ўз кўли билан ёзилган хужжат; иккинчидан, халқимиз ўзининг мард ва ватанпарвар ўғлонлари каторида соткин, кўрқок болаларининг хам номларини билиб кўйсин; учинчидан, бу соткин ўз атрофидагиларни анча тиришиб, анча тўлик сотгани боис биз йигирманчи йиллардаги умумий вазиятни, зиёлиларимизнинг умумий кайфиятларини, дард ва аламларини хархолда кенгрок билиб оламиз. Ва ниҳоят, тўртинчидан ва энг мухими — биз бундан сабоқ чиқарамиз. Орамизда куёшпана кўзойнақларини яраклатиб, латтахочларини (бўйинбоғ) ястикчасидан тутиб кишибилмас тўгрилаб-тўгрилаб, хаммамизга кўшилиб ташвишланиб, хаммамизга кўшилиб кулиб юрадиган, аммо фурсат пойлаб, битта ортикча йўталимизни-да қолдирмай тегишли жойларга етказиб турадиганларимизга билдириб кўяйликки, иймонсизлик иллатдир, бугун биз хақиқат деб хисоблаб юрган нарсалар, бугун биз худо деб сизиниб юрган қимсалар Тангрининг инояти билан бир кун асл холларида намоён бўлажаклар, халқ барчамизнинг қилмишларимизни қайтадан баҳолаяжак ва биз мингинчи бор иқроп бўлурмизки, бу дунё қайтар дунё экан...

Биз соткин деб атаётган йигитчанинг исми Мадхиддин, фамилияси Мухаммедов. Оталаридан келсак, Солихович. Тергов чоғи айни 19 ёшда бўлган. Хужжатларда «студент» деб қайд қилинган. Ёлгон кўргазма учун жавобгарлик борлиги тўгрисида оғохлантирилганларидан сўнг ўз устозлари, қариндош-уруғлари ва дўстларининг «башаралари»ни илхом билан фош этишга тушади. Терговчи сўраган-сўраганини хам ўзларидан кўшиб, гапирaveraди, бакирок бир сарлавха кўйиб, ростмана рисолача шаклда «асар» ёзади ва бировнинг бировниқига меҳмонга борганидан хам яширин маъно топадиган даражада усталик ила биратўла эллиққа яқин кишига сиёсий баҳо беради. У беномус ёзаверади, Бош Сиёсий Бошқарманинг чаккон таржимонлари пешма-пеш ўрисчага ўгираверади.

Афсуски, туркийчасини ўқишга кийналганимиздан ўрисчасини кўчириб олган эдик, энди ўшани яна туркийга қайта таржима қилиб беришга мажбур бўляпмиз. Сўзлар ўзгарган бўлиши табиий, аммо мохиятига тегинмадик. Факат бироз қискартирдик ва икки қайтадан берган кўргазмаларини битта холга келтирдик. Яна қайтариб айтамызки, ўзимиздан кўшмадик, ўзларидан эшитиб кўяколдик. Мана ўша соткиннинг ёзган чакуви:

ЖАДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ СИЁСИЙ БАШАРАЛАРИ ХАКИДА

Жадидлар (ёки, бошқача айтганда, тараккийпарварлар) Туркистонда Ўқтабир инкилобидан илгари Ўрусия буржуазиясига ва Туркистонда хукм сураётган феодал қолоқликка қарши курашга отланганларнинг ҳаракатлантирувчи қучи бўлиб майдонга чиққан эдилар. Улар ўрис буржуазиясининг мустамлакачи сиёсатидан норози эдилар ва унга қарши курашардилар. Маҳаллий аҳолининг эскича турмуши ва қолоқлигига, бу қолоқликнинг илхомчилари бўлмиш рухонийларга қарши ҳам жон-жаҳдлари билан қарши чиқдилар.

Хуллас, жадидлар курашининг асосида феодализм ва эски турмуш асосларини бузиш, миллий буржуазия давлати тузиш мақсади ётарди. Бу ҳаракатнинг кўпчиликлари машҳур бўлган раҳбарлари қуйидагилардир: Мунаввар Қори, Мурод Хўжа Домулла, Имом Хожи Халилий, Хасан Қори, Салимхон, Абдулла Авлоний, Шорасул Зуннун, Шаҳид Эсон, Мир Гейди, Абдувахоб Муродий ва Мажид Қодирий.

Улуг Ўқтабир инкилоби эски тузум асосларини бузиб, янги ҳаётга кенг йўл очиб, жадидларни боши берк кўчага киритиб қўйди. Чунки инкилоб феодализмни яқсон қилди, бу билан қаноатланмай, савдо буржуазиясига ҳамда жадид-тараккийпарварларга оғир, ҳалокатли жароҳат етказди. Шундан кейин жадидлар ўз фаолиятларини тўхтатдиларми? Қачқанда...

Улар ўлар ҳолатларида бўлишларига қарамай, бор қучларини фаолиятни давом эттиришга қаратишди. Бу орада уларга ҳарбий асир турк зобитлари (офитсерлари) ёрдамга қелишди. Булар жадидларнинг яраларини даволаб, оёққа тургаза бошлашди. Ишларига раҳбарлик қилишди, юракларида қайтадан миллатчилик туйғуларини кўзгатишди. Аста-секин жадидлар қучга қайтишди. Бунга барча совет мактаблари уларнинг қўлида эканлиги ҳам қўл келди. Ўсиб келаётган ёшлар уларнинг таъсир доирасига тушиб қолди. Синфимиздаги турк Қамол ШАМСИЙ ватан тўғрисида кўзда ёш билан қуйлагани яхшигина эсимда турибди. Ўрислар билан бошқа оврупаликлар Туркияга ҳужум қилишяпти, ўз миллатларинингизнинг ҳуқуқини ҳимоя қиласизлар деб сизларга қатта умид боғлаганмиз, деган эди ўшанда.

ШОРАСУЛ ЗУННУН бизга миллатчилар ёзган туркча шеърлар ўқирди ва юракларимизга сингдиришга ҳаракат қиларди. Мисол учун, у турк шоири Мухаммад Омилбекнинг ва ўзбек шоирлари Чўлпон билан Фитратларнинг миллатчилик руҳидаги шеърларини ўқирди.

ЭСОН АФАНДИ Туркия урушдан голиб бўлиб чикканини ва бу галаба тарихда улкан сиёсий ахамиятга эга эканини айтган. Кейин Туркия хаётини эшлашга тушиб кетарди ва яна айтардики, Туркистон муслимлари Туркия раҳбарлиги остига ўтиши лозим, турклар билан кўлни кўлга бериб, бир йўлдан юриши керак. Совет ҳокимиятига келганда, муслмонларга бу ҳокимият бир чакалик ҳам фойда бермайди, деб айтарди. Эсимда, дарслардан бирида Шорасул ҳам худди Эсоннинг гапларини такрорлаган. Бир куни кўчада Шорасулни учратиб колдим. У жуда кайгули кийфада эди. Сабабини сўрадим. «Бу миллат ўзи миллат эмас!» деди. Бўлмаса, нима, десам, «Иллат!», деб жавоб килди. «Нега?» — деб сўрадим тагин. «Чунки булар ўзининг ягона одамларини хибсга олганларини билатуриб ҳам ҳеч канака чора кўрмапти!» деди.

Совет ҳокимиятининг иккинчими, учинчими йили жадиждлар орасида бўлиниш юз берди. Мунаввар Кори, Мурод Хўжа Домулла, Шорасул Зуннун ва Эсон Афанди бошчилигидаги айримлари эски нуктаи назарда турардилар. Эшон Хўжа Хоний, Хасан Кори, Салимхон, Мир Гейди ва Ваҳоб Муродий бошчилигидаги бошқалари эса, ўз гоё-максадларини совет ҳукуматидан фойдаланиб амалга ошириш йўлига ўтдилар. Лекин булар ўз карашларининг хато эканига тезда ишонч ҳосил қилиб, тагин аввалгиларга қайтиб қўшилдилар (В. Муродов тўғрисида бир нима дея олмайман). Учинчи бир тоифа эса, ўзларининг хато йўлда эканликларини англаб, тўла маънода совет ҳокимияти тарафига ўтдилар (масалан, Абдулла Авлоний).

Агар жадиждларнинг ҳозирги мафқурасига назар солсак, улар совет ҳокимиятининг ашаддий душмани эканликларини, бу ҳокимият қачон куларкин, деб интиқ бўлаётганларини осонгина билиб оламиз. Кулашига эса, улар қатъий ишонадилар. Улар совет ҳокимиятининг (чет) душманлари билан бир сафдадилар ва бу ҳокимиятни тугатишда иштирок этиш ниятлари бор. Душман хоҳ ичдан, хоҳ ташдан қачон бу ҳокимиятга қарши ҳаракат бошлайдию қачон бу кураш авжга миноси — улар шуни кутмоқдалар. Бу фикрларимнинг исботига қуйидаги далилларни келтираман.

Афғонистонда тўпалонлар бошланиб, Бачаи Сақав (Аслида Бачаи Сақо; Мешқобдан чиккан ва Афғонистон ҳукмдори Омонуллоҳонга қарши исёнга бошчилик қилган асл исми Хабибуллоҳ Қалақоний. Хуршид Даврон изоҳи.) Омонуллоҳонга қарши курашаётган чоғлари ШОРАСУЛ ЗУННУН фақат шу ҳақда сўзлар ва мен билан бундай бахслашар эди: «Афғонистонда ҳокимият Бачаи Сақав (Бачаи Сақо) кўлига ўтган захоти бизларнинг аҳолимиз енгиллашишига шубҳа йўқдир. Чунки унда инглизлар совет ҳокимиятига ҳужум бошлайдилар, биз бўлсак, бу имкониятдан фойдаланиб, Ўрта Осиёда миллий ҳукумат тузамиз, Бизда имкон кўп». Канака имконлари борлигини сўраганимда, у жавобдан қочди. Шорасул ашаддий тормиллатчилардандир, бу борада у ҳамфикрларини ҳам ортда қолдириб кетади. Лекин табиатан ичимдан топ эмас, бошқаларга ўхшаб фикрларини яшириб юролмайди, ким унга хайрхоҳлик билдирса, бўлди, оғзидан гуллаверди. Боз устига, фикрларига ҳаммининг қўшилишини истади ва шунга қистайди. Советларга қарши маърузалар ўқий бошлайди. Мен унинг феъл-хўйини, ҳулқини яхшигина ўрганиб олганман. Қўришганимизда, унга: «Бунча

озиб-тўзиб кетибсиз, Шорасул ака, мазангиз кочдими ё?» деб гап бошлайман. Бунга у: «Э, ука, шу миллат кайгуси мени бу ахволга солди-да. Фикру ёдим шу миллатда», деб жавоб килади. Энг билими зўр болаларни у пивохонага ё ошхонага бошлаб кетиб қолади, совет хокимиятига карши ташвик килади. Ўқишга турк китобларини беради. Бизнинг Ўзбекистонда бунака мажаллалар йўқ, деб афсуслариб гапирди.

Шорасул эски араб имлосининг тарафдори. У араб имлоси тарихий ахамиятга эга, ўзбеклар ўзлари колок бўлганлари етмагандай, энди яна битта колок миллатнинг кетидан боряпти, дерди. Араб имлосини мураккаблаштириб юборганларни кораларди. Аксинча, лотин алифбоси огир, дерди.

ЎРТА ОСИЁГА МУНОСАБАТГА ОИД

«Инглизистон Хиндистонни кай даражада эзаётган бўлса, Ўрусия хам Ўрта Осиёни шу даражада эзаяпти. Ўрта Осиё мустамлака асоратидадир. Бизнинг дехконларимизни зўрлик билан пахта экишга мажбурлашяпти ва хаммасини Масковга ташиб кетишяпти. Дехконларнинг ўзлари бу ерда оч-ялангоч қолаётгани билан ишлари йўқ»...

Бунака гапларни мен ундан ўзим эшитганман. Бундан ташкари Шорасул ўрислар билан тоторларнинг масъул лавозимларни эгаллаб олганларига карши эди. 1929—30-йили у аёллар билим юртига она тили ўқитувчиси килиб тайинланган эди. Бир аёл ундан техникумнинг илмий бўлим мудири ким — ўрис эмасми, деб сўраганида, у: «Албатта, ўрисда, ўрис бўлмай ким бўларди», деб жавоб килган. Буни менга Бухарин мактабида хизмат киладиган Акбар Аскарый айтди. Партия сафларини тозалаш кетаётган палла мен бир куни Шорасулни учратиб колдим ва: «Мана, Партия сафларини сизнинг дунёкарашингиздаги унсурлардан тозалаяпмиз», деган эдим. у: «Партияни бизлардан эмас, бизларнинг мухитимизни партиядан тозаланглар», деб айтди. Партияни у зарарли касаллик деб хисобларди. Гарчи мен унинг умуман совет хокимиятига карши фарлиятдан кўп далиллар келтиришни зиммамга ололмасам хам, унинг хотинлар юзини очиш масаласига карашлари тўғрисида айрим гапларни айта оламан. У ўзининг хотинини расман очгани билан амалда очмаган. Хотинини мактабга ё йигилишга, ё уюшма қошида ташкил этиладиган кечаларга кўймайди. «Хозир аёллар очилиб, бузилиб кетяптилар», дейди. Бунаканги ёт карашлари учун биз уни Наримонов техникумидан хайдаганмиз.

Эски шаҳардаги Ленин номли мактабнинг 8-синфида Шавкий деган бир ёш ёзувчи ўқирди, у факат мактаб деворий газитига ёзар эди. У Чўлпоннинг давомчиси бўлиб, унга таклид киларди. Мафкура жихатдан асов нарсалар ёзарди. Ўша мактабнинг 6—7-синфларида адабиётдан дарс берадиган Юнус Латифийнинг хамда Шорасулнинг ўзининг сўзига караганда, Шавкийни Шорасул йўлга солиб тураркан. Шеърга мавзуларни хам у бераркан. Канака йўналиш берасиз, деб мен Шорасулдан сўраганимда у: «Мен уни миллий руҳда шеър ёзишга ўргатяпман», деган. 1928—29-ўқув йилида

Шорасул Наримонов техникумида адабиётдан дарс берган. Яна ўша ўзининг эски усулида, яна ўша эски адабиётга, хусусан, турк ва форс шоирларининг асарларига суяниб ўқитган. Ўқувчилар конференсида бунинг учун уни коралашди ва ишдан бўшатишни таклиф қилишди. (Саҳифанинг шу ерига кейинчалик кизил каламда энг таникли чекистлардан Огабеков деган терговчи: «Шавкий аксилинкилобий ташвикоти учун сургун қилинган», деб ёзиб қўйибди.)

Мен Шорасулдан: «Нимага пролетар адабиётга суянаси?» деб сўрасам, «Хохлаганимда ҳам пролетар адабиётини ўқитолмайман, чунки уни сизлар ўқитасизлар, мен эса хазм қилмайман, унга қизикмайман ҳам, у менинг рухий эҳтиёжимни қондиrolмайди», деди. «Адабиётда пролетар мафкураси ривожлана олмайди ва хоким мафкура бўла олмайди», дерди у. Шорасул эски имло бўйича она тилидан дарслик ёзган ва унга бўяб-бежаб ёт миллатчилик қарашларини ҳам сингдириб юборган. Масалан, у: «Яшасин советлар хокимияти!» деб ёзади-да, охирида: «Ўзбеклар уйгон!» деб қўшиб қўяди. Нимага бу сўзларни қўшгансиз, деган саволимга у қулиб туриб «Бу билан мен ўзбеклар орқа-олдиларига қараб ҳаракат қилсинлар, совет хокимиятининг асослари мустаҳкам эмас, унинг ҳозир ҳукмронлигидан фойдаланиб қолсинлар ва мустақилликка эришсинлар, дейман», деб жавоб қилади. Наримонов техникумида ишлаб юрган чоклари у ҳар хил латифалар, эртақлар айтиб, ўқувчиларни ўз-қўл остига жалб қилишга уринарди...

Ўқувчиларни Туркиянинг миллатчилик руҳидаги адабиёти билан таъминлаб туради. Шунақа китоблардан у, Юнус Латиповга, Гулом Кодир Хикматий (Каримий)га, Сафо Зуфаровга, Юсуфжон Иноғомовга берган.

Ўтган йили мен Тошкент йўқсил ёзувчилар жамиятида ўқиш учун Ойбек асарлари тўғрисида маъруза ёзганимда менга турк миллатчи шоири Турхон Сайфийнинг шеърий тўплами керак бўлиб қолди, чунки Ойбек узок вақт Турхон Сайфийнинг таъсирида шеърлар битган; Кутубхоналардан излаган китобимни топмай, Шорасул Зуннунга мурожаат этдим. Шорасул Зуннун аввалига қўнмади, кейин бари бир бериб турди. Шунда ҳам Турхон Сайфийнинг тўпламини эмас, балки унинг битта шеъри босилган «Расмли ой» журналидан икки нусха берди.

Унга ҳамфикр талабалардан ГУЛОМ КОДИР КАРИМИЙ билан НИЗОМ ЭШОНИЙни биламан. Улар иккаласи ҳам миллатчилик мафкураси билан захарланган эдилар. Масалан, Гулом Кодир эски миллатчи адабиётнинг катта мухлиси, Чўлпоннинг мухлисидир. Янги йўқсиллар адабиётини у ёмон қўради ва мутлақо ўқимайди. Мен техникум талабаси Шодмон Тўхтаевдан бир гап эшитдим, яъни Гулом Кодир Каримий Шарифа Саид Носированинг (Пед. билим юртининг собик ўқувчиси. У ердан ёт унсур сифатида ҳайдалган) шеърлар дафтарига Ўзбекистон тўғрисида бир шеър битибди. Ўша шеърида Гулом Кодир Ўзбекистонни катта дарахт соясида қолиб қетган ёш ниҳолга ўхшатибди ва катта дарахт қуёш нурларини ёш ниҳолга ўтказмаётгани ҳақида ёзибди. Катта дарахт деганда у ўрисларни назарда тутган. Нияти аниқ.

ЭШОН ХЎЖА ХОНИЙ — менинг яқин қариндошим (онамнинг укаси), бир ховлида бирга яшаймиз. Собик жаҳид, Туркистонда жаҳидлик ҳаракатида фаол иштирок этган, мафкура жихатидан ёт унсур. Совет хокимиятининг айрим тадбирларидан қаттиқ норози. Масалан, пахтачилик соҳасини қенгайтириш кампаниясидан ва бугдой

етишмовчилиги муносабати билан жуда норози бўлган. У менга дердики, Ўзбекистонда ун тахчиллиги каттик сезилиб турган бир махалда Масков дехконларни пахта экишга мажбур қиляпти, боз устига, Масковнинг ўзи ваъдасига хилоф равишда Ўрта Осиёга бугдой етказиб бермаяпти, натижада дехконларни ун билан таъминашда мана шунака кийинчиликлар юзага келяпти. Бир сўз билан айтганда, пахтачилик тармогини кенгайтириш аҳолининг бошига битган бало, бундан факат ўзбек дехконлари зарар кўрадилар. Бундан ташқари, биз Масковни пахта билан таъминляпмиз-у, ўзимиз етарли микдорда саноат молларини, жумладан, мануфактура олмаяпмиз... »

Шунака суҳбатлар чогида Акбар Аскарый (ўқитувчи) ҳамда Хайриддин Хасаний (кишлоқ хўжалиги техникуми толиби) иштирок этишган.

Аёлларнинг юзини очиш масаласида Эшон Хўжа Хоний жадиждларнинг кўзкарашларини баён қиларди. Яъни, «Аёлларнинг юзини очишга хали эрта ва хотин-қизларнинг ўзларини тайёрламасдан туриб юзларини очиш тўғрисида ўйлаш ҳам фойдасиз. Аввал уларни тарбиялаш керак, ана ундан кейин паранжи масаласини ўйлаб кўриш керак. Ўзбек аёлининг ҳозирги аҳолида унинг юзини очиш уни бузукликка итариш билан тенг», деб ҳисобларди.

У вақтларда Эшон Хўжа Хоний «Хужум» кампаниясида ҳеч қанақасига иштирок этмади, ўзининг хотинини ҳам очмади. Кизини очди, лекин уни ҳам факат ўқиётгани ва паранжида мактабга кўрина олмаслиги учун очди.

У жадижд мактабларида сабоқ берарди, инқилобдан кейин 1926 йилгача совет мактабларида ўқитувчилик қилди, мактабларнинг мудири бўлиб ишлади. Совет мактабларида диндан дарс берарди. Эшон Хўжа Хоний мудирлик қилган «Хаёт» номли мактаб ўқувчиларининг менга айтишларича, у ўқувчиларга миллий (миллатчилик) гояларини ўқитган, мактаб жамоат ташкилотлари ва комсомол ишларига тўскинлик қилган. «Ўқувчилар мактабда факат ўқиш билан банд бўлсинлар, ҳар хил жамоат ишлари, таълим-тарбия ишларига ҳалакит беради», дерди.

Шунингдек, у пахта кампаниясинида маъқулламасди. «Туркистон ўрисларнинг мустамлақа ўлкасидир, — дерди у. — Дехконларни, ишчиларни зўрлик билан пахта экишга мажбур қилишяпти ва пахтани ўзларининг ватанларига олиб кетишяпти. Махаллий аҳолини эса товарлар ва саноат усқуналари билан таъминлашмаяпти, натижада аҳоли қаҳатчиликни бошидан кечирмокда. Бундан ташқари, аҳоли озик-овқат билан ҳам таъминланмаяпти». Бу қарашларини у шахсан менга айтмаган, буларни у ўзининг дўстларига айтган (Акбар Аскарыйга ҳамда Хайриддин Хасановга. Иккинчиси Кишлоқ хўжалиги техникумида ўқийди). Маҳкамаларга ўрислар жойлашиб олганига у кескин қарши эди. «Бизнинг мамлакатда бегоналар кўпайиб кетди», дерди. Бир қуни хизматга бораётиб, кўчада кўриб қолдим, қим биландир гаплашиб турарди. «Беш йиллик режага биноан Козогистонга уч юзу қанчадир минг ўрисларни кўчиришни мўлжаллашяпти», деб турган экан ўша шеригига...

Эътиқоди жихатидан у тормиллатчи. Доимо ўрисларга қарши гапиради ва Ўзбекистонга ўрислар кўчиб келавериб эгаллаб боряпти, ҳамма муассасаларда ўрислар ўтирибди, дерди. «Ўзбекистон муассасаларида ўзбеклар ўтириши керак», дерди у.

ХАСАН КОРИ ХОН ҳам менинг кариндошим (она томонидан, яъни, онамнинг укаси). Мафкура жихатдан Эшон Хўжа Хонга якин. Собик жадид, узок йиллар жадидларнинг китоб дўконига мудирлик килган. 1926—27 йиллари ўзбек давлат нашриётининг дўконига ишлаган. Ўзининг айтишича, Ўздавнашрда ишлаган чоги ўрислар билан чиқишмаган ва шунинг учун ҳам уни ишдан хайдашган. Шундан кейин доим айтиб юрардики, ўрислар ўзбекларни кўрарга кўзлари йўк ва улар доим ўзбекларни муассасалардан хайдашга ҳаракат қилишади ва хоказо...

Эшон Хўжа Хоний билан Хасан Кори Хоний Мунаввар Кори, Эсон Афанди, Салимхон Тиллахоновлар билан жуда якин эдилар, бир-бирларини меҳмонга чорлашарди, суҳбатлар қилишарди, улфатчиликлар уюштириб туришарди. Нималарни гапиришгани менга қоронги, чунки ҳеч қачон мен уларнинг орасида бўлмаганман.

МУНАВВАР КОРИ — жадидчиликнинг илхомчисидир ва шу оқимнинг раҳбаридир. 1927 йили Тошкент музофоти зиёлиларининг қурултойи бўлиб ўтди. Мен унда делегат эдим. «Кизил Ўзбекистон» газитининг мухбирлари номидан вакил сифатида қатнашганман. Қурултойда мафкура жаҳҳасидаги қураш масаласида мунозара кўзголганда Мунаввар Кори нутқ сўзлади ва: «Бу мафқурани бизнинг мафқурага мосласак бўлмасмикан», деди. Бундан кўринадики, у партия бу масалани қандай ҳал этаётганини маъқулламайди. Унга берилган бир қандайдир саволга: «Ўрислар бизнинг ишларимизга ҳалакит қилишяпти, мен улар билан қелишолмаганим учун хизматдан кетдим. Биз улар билан бир қозонда қайнамаймиз», деб жавоб қилди. Мунаввар Кори умум манфаати учун эмас, ўзининг манфаати учун қуйинаётганини шу мисол ҳам тасдиқлайди. У ўзининг обрўсини кўтармокчи. Унинг қураши ҳам обрў учун. У манфаатпараст шахс.

МУРОД ХЎЖА ДОМУЛЛА — эски шаҳардаги Ленин номли мактаб ўқитувчиси, У билан яқинда танишдим, шунгача якин танишлигим йўк эди. 29-йили у «Зебунисо» мактабида хизмат қилган. У ҳам жадидлардан (тараккийпарварлардан), юқорида санаганларимиз билан муомаласи бор. Жулқун (Абдулла Қодирий)нинг «Меҳробдан чаён» деган китоби чикканида, у бу китобни қониқиш билан ўқиди ва уни мактаб шеърлар битди. Бу шеърини у ўқувчиларга ўқиб берган, бу ҳақда мен Юнус Латифийдан билдим, Унинг қандай одамлигини ҳам, бугдой жамғариш ва пахта кампаниясига муносабатда аксилсоветий қарашларини ҳам менга Юнус Латифий айтди.

ЮСУФ ИНОГОМОВ — Наримонов техникумини мен билан бирга тугатган ва 28—29-ўқув йиллари ишга Термизга юборилган эди... Тошкентга қайтганда Термиздаги аҳвол ҳақида сўраганимда, у: «Термизда кўп муассасаларни ўрислар билан тоторлар эгаллаб олишган. Одамга алам қилади. Уларга имтиёзлар яратилган. Капиратив дўконлар уларга энг яхши молларни топиб беради. Шўрлик ўзбеклар ҳеч қачон улар билан тенг қўрилмайди, ҳар жаҳҳада улардан паст туради», деди.

Хозир Иногомов кишлок факультетининг I курсида ўқийди. Комсомол аъзоси эди,

чикибди.

ХАЛИЛ ГАФФОРОВ ҳам курсдошим. Бир вақтлар Хивада ишлаган, ўша ерда аклдан озиб, Тошкентга кайтган. Хивадан кайтиб келган баъзиларнинг айтишича, Халил у ерда эски тарихимизга кизиқиб қолибди ва ўзбекларни эзаётган ўрисларни жуда ёмон кўриб қолибди ва шу асосда аклдан озибди. Хозир ишламайди ҳам, ўкимади ҳам. Унча-мунча согайиб боряпти...

СТУДЕНТЛАР ХАКИДА

Куйидаги студентлар Шорасул билан Мунаввар Корининг таъсиридадирлар:

ГУЛОМ КОДИР ХИКМАТ — Наримонов техникумида ўқиган, адабиётга кизиқади, ўзининг асарлари ҳам бор. Бир куни бир расм чизган, Унда думли куёш бўлиб, у илонга ўхшаб ўзбекни бўгаётгани тасвирланган. Ўзининг тушунтиришича, куёш — Ўктабир инкилоби, илон бошли дум эса — ўрислардир. Расмда: «Миллат, эҳ, менинг миллатим», деган ёзув битилган. Расмларини у айрим дўстларига кўрсатган ва ўзининг фикрларига кўшилишларини сўраб авраган. Бу ходиса муҳокама қилинганда, у ўз ўқитувчилари Мунаввар Кори билан Шорасулнинг таъсирида бўлгани учун шунақа расмлар чизганини айтган.

ГУЛОМ КОДИР КАРИМИЙ — миллатчи ва Шорасулнинг ишончли малайи. Техникумнинг II курс студентлари Шодихон Тўхтаев ва бошқаларнинг сўзига караганда, у Шариф Носир Хўжаевнинг албомига икки дарахтнинг расмини чизган. Биттаси катта, иккинчиси кичик. Каттаси кичигидан куёш нурларини тўсиб турибди. Ўзининг тушунтиришича, катта дарахт — ўрислар, кичиги эса — ўзбеклар эмиш. Шунинг ўзиёқ унинг миллатчилигига далолат...»

Менинг билганларим шугина.

Илдириш: Мадхиддин Мухаммадий.

15/ХI. 29 й.

**Перевёл: Пом. Упол. ВО ПП ОГПУ в Ср. Азии
(Каримов)»**

* * *

Мадхиддин Мухаммадий жонбоз соткиннинг «билганлари шугина» экан. Лекин у кишининг ўзлари ким-у, у киши сотаётган жадиждлар ким эканини, жадиждлар нима кайгуда-ю, бу киши ниманинг кайгусида эканини, ва ниҳоят, бу жамият канака асосга қурилганини-ю қандай кимсаларга таяниб иш кўрганини билиб олишимиз учун, ўйлашимча, бизга «шугина»нинг ўзи етса керак. Шу андишада бу жирканч чакувномани сатрма-сатр изохлаб беришни ортикча машгулот деб билдик ва фикрлашни мулоҳазали ўқувчи ихтиёрига қолдириб, шу жойда нукта қўйдик.

Тангри ҳаммамизни бунака шармандалиқдан асрасин. Омин

*□ Макола 1993 йилда ёзилган.

Нуруллох Мухаммад Рауфхон